

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (11.273)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кюска сатрларда

● **БУГУН** Яққасарой туманидаги 144-мактабда ўқувчилар, ўқувчилар иштирокида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир октябрь ойида умумтаълим мактабларида ташкиллаштирилган миллий гоа туркумига кирувчи фанлар ойлиги якунларига бағишланди. Тадбир доирасида «Юксак маънавият — энгилмас куч» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникасида талабалар, ўқувчилар, шифокорлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуманда тиббиётни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳақида сўз борди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Сахий инсон» қаҳвахонасида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Қайноналар мактаби» тингловчиларнинг навбатдаги ўқув-семинари уюштирилди.

● **КЕЧА** Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган тадбирда шифокорлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Гулом номи маданият уйида ўқув курслари, тўрақлар раҳбарлари, аъзолари иштирокида «Очиқ дарс» тадбири уюштирилди ҳамда Ёшлар йилга бағишлаб бадий-ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури йилгиланлар эътиборига ҳавола этилди.

● **СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ёшлар ўртасида стол тенниси бўйича Ёшлар йилга бағишлаб ўтказилаётган турнирнинг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Иқтисодиёт

Янги технологик линиялар Шарофати


ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАЁТГАН ЖАМОАЛАР ҚАТОРИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШИТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ҲАМ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, БУ ЕРДА ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТУФАЙЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТИБ БОРМОҚДА.



Шунинг баробарида корхонада маҳсулот турлари кўпаймоқда, ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда. 2006 йилда корхона цехларида 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 800 нафардан ортиб кетди. Жорий йил сўнгига қадар эса яна 100 та ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, яна 10 та касаначи-ишчи ўринлари ташкил қилиниб, Президентимизнинг бу борадаги Фармони ижросига ҳисса қўшилиши.

Корхонада тайёрланаётган паст ва юқори вольтли электр жиҳозлари, электротехник маҳсулотлар ва халқ истеъмоли товарлари юқори сифати, турларининг бозор талабига кўра янгилашиб бориши билан ажралиб туради. Шу боис ҳам ушбу товарларга доимий биуртмачилар сафи ортиб бормоқда. Шунинг баробарида маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиниб, у ердаги харидорлар талабига мос келмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, Россиянинг йирик «Группа компаний — «Электротех-ТМ Самара» компанияси тарихига кирган ушбу корхонада янги цехлар ташкил этилди, эскилари қайта таъмирланиб, замонавий хорижий технологик линиялар билан



жиҳозланди. Айниқса, Финляндия, АКШ, Россия, Италия, Швеция давлатларидан келтириб ўрнатилган юксак унумли техника ва дастгоҳлар сифатли ва рақобатбардос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай улкан ишларни амалга оширишда эса корхонага юқоридаги компания томонидан бугунги кунга қадар киритилган 4,5 миллион долларлик инвестиция қўл келди. Шунингдек, қўлда бажариладиган ишларни энгиллатиш ва атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш мақсадида Италиядан автоматик бўёқ ускунаси келтирилди. Жорий йил охиригача эса янги 110 киловаттлик подстанциялар ўрнатилган йиғув цехини ишга тушириш кўзда тутилган.

Албатта, корхонада янги технологик линияларни моҳирлик билан бошқариб, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиладиган кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилди. Устозлар янги келган йигит-қизларга хунар сирларини эринмай ўргатишди. Шу боис ҳам ишлаб чиқариш Ҳажми, маҳсулот турлари йил сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган ярмида ишлаб чиқариш Ҳажми 2006 йилдагига нисбатан



қарийб 18 баробарга ошгани ҳам бунинг эркин исботидир. 2008 йил ярим йиллигида режадаги 11 миллиард ўрнига 16 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, харидорларга etkazиб берилди. Ушбу рақамни йил охиригача 35-36 миллиард сўмга etkazиш кўзда тутилмоқда. Бу, шубҳасиз иланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш, имкониятлардан оқилона фойдаланиш самарасидир.

Тадбиркорлар 2009 йилда ишчи-хизматчилар сонини 1000 нафарга etkazишни режалар эканлар, бу албатта, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги цехларни ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади. Шу ўринда маҳсулотнинг харидорлар турлари ҳам кўпаяди. Меҳнат унумдорлиги ҳамда маҳсулот сифатини оширишга муҳим ҳисса қўшаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам эътибор қаратилиб, уларга яхши дам ва баракали иш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Шарифа ИЛЁСОВА
 СУРАТЛАРДА: корхонанинг етук мутахассислари сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлида астойдил меҳнат қилишади. Азамат Аҳмедов олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ҳамда ЎзЛиДеп фракциясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикрлашишди.

● Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партия Марказий Кенгаши томонидан «Маънавият—инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Кеча Тошкент вилояти фаолларининг 2008 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ўтказилган тадбир «Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари» мавзусига бағишланди.

● Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТнинг Ривожлантириш дастури ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Одам савдосига қарши курашиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг уюштирилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан малакали ва катта тажрибага эга бўлган шифокорлар гуруҳи Устюрт саҳросининг Қозғоқистон давлати билан чегарадош «Қорақалпоғистон» шаҳарчасида бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди.

● Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Карнента-Янтекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси очилди. Асосан 40 нафар ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлган ушбу қўшма корхонада бир кеча-кундузда 150 минг погон метр сифатли мато ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОНДА

● Исроил Президенти Шимон Перес мамлакатда мuddатидан аввал парламент сайловларини ўтказишга рухсат берди. Таъкидлаш керакки, парламент асосий фракцияларининг барчаси мuddатидан илгари парламент сайловларини ўтказиш тарафдори эканлигини билдирди.

● Россия уран конларини аниқлаш борасида Бразилига ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

● Кеча Покистоннинг жануби-ғарбий қисмида 6,2 балл кучга эга ер қимирлаши натижасида 6 киши ҳаётдан кўз юмди, 40 дан орტიқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Бангладеш қирғоқларида рўй берган кучли довул оқибатида 20 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, 300 нафардан ортиқ киши жароҳатланди. Довул натижасида 10 та балиқ овловчи кема 50 нафар экипаж аъзоси билан очик денгизда қолиб кетди. Табиий офат шунингдек, минглаб аҳоли турар жойлари, улкан экин майдонлари ҳамда транспорт йўлларига жиддий зарар etkazган.

● Токионинг Технологик университети олимлари плутоний моддасини ядро куролини яратиб бўлмайдиган моддага айлантиришга эришишди. Тадқиқотлар АКШ ва Япония ядро реакторларида ўтказилган бўлиб, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) япон олимларининг кашфиётини юқори баҳолаб, бу плутонийдан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишга йўл очди, деб таъкидлади.

● Даниялик олимлар 6 та темир оёққа ўрнатилган ва аста-секин ҳаракатланадиган кичик уйни ихтиро этишиб, муваффақиятли тарзда синовдан ўтказишди. Ушбу ғаройиб уй Копенгагенда намойиш этилди.

● Болгария божхона ходимлари Туркия билан чегара постига 37,2 килограмм героинни ушлаб қолишга муваффақ бўлишди. Айтиш керакки, Туркия ва Шарқий Европа давлатларига йўл оладиган гивёндан моддаларнинг катта қисми айнан Болгария ҳудудидан олиб ўтилади.

● Профессонал футболчиларнинг халқаро федерацияси (FIFPro) Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби ва Португалия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Криштиану Роналдуни 2007/08 йилги мавсумдаги жаҳоннинг энг яхши ўйинчиси деб топди.

● Боливиянинг жанубидаги қалин туман билан қопланган тоғли йўлда автобуснинг ҳалокатга учраши оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмган, 50 киши тан жароҳати олган.

● Токио университетидеги ўй ҳўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган янги роботнинг тақдироти бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТДА «ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ВА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ Йўналишлари» МАВЗУИДА ИККИ КУНЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШ БОШЛАДИ. ТАДБИР РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ, «SEN YOLG'IZ EMASSAN» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШУНИНГДЕК, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО ВА БМТ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОЛАЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН ЮРТИМИЗ ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ БОЛАЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури ва ушбу келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган бошқа дастурлар доирасида ташкил этилган ушбу форумни ўтказишдан мақсад — ижтимоий ёшлар сиёсатининг замонавий йўналишлари, болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш шакллари муҳофаза этиш, уларни тақомиллаштириш ҳамда ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Инклюзив таълимни ривожлантириш даражаси ҳар қандай жамиятда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришнинг асосий мезони ҳисобланади, деди анжуманинг очилишида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, «Sen yolg'iz emassan» жамғармасининг вазирлик кенгаши раиси Лола Каримова. Мамлакатимизда болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми яратилган, тегишли қўнунчилик базаси шакллантирил-

ган. Айниқса, имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борадаги ишлар кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, жумладан инклюзив таълим бўйича қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Ушбу келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига шо ҳусусиятларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилган бўлиб, у аҳолининг ушбу қисмининг барча тоифаларини қамраб олган. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Халқаро нормалар ҳисобга олинган ҳолда, мунтазам тақомиллаштириб борилаёт-

ган қўнунчилик базаси ушбу фаоллик асосини ташкил этади. Ўзбекистон 1992 йилдаёқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган эди. Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларни, жумладан, уларга сифатли таълим бериш ва керакли касб-хунар ўргатиш орқали жамият ҳаётига фаол қўшилишини таъминлашга ёрдам берадиган услублар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ноиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига лаш бўлиш ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига шо ҳусусиятларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилган бўлиб, у аҳолининг ушбу қисмининг барча тоифаларини қамраб олган. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Халқаро нормалар ҳисобга олинган ҳолда, мунтазам тақомиллаштириб борилаёт-

қация қилиш ҳақида» каби қатор қонунлар қабул қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ф.Шоумаров, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев, Адлия вазири Р.Муҳиддинов ва бошқа иштирокчилар буларнинг барчаси мамлакатимизда болалар ҳақида ёшларга доир ижтимоий сиёсат тақомиллаштириб бораётганидан далolat беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда болалик муаммоларига бағишланган бундай халқаро анжуманларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланган бўлиб, бу давлат ва жамиятнинг ушбу муҳим масалаларга доимий эътибор қаратаётганини кўрсатади, деди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхона раҳбари Махсуд Шариф. Ушбу форумларда қабул қилинган тавсиялар амалга оширилмоқда ва мамлакатда ўсиб келаётган ёш авлодини самарали қўллаб-қувватлаш бўйича мустаҳкамланиб бораётган механизмнинг узвий қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўришмоқда. Бу борадаги ишларга яхши шаклланган таълим тизими ва ноёб ижтимоий институт — маҳалла фаолияти ҳам ёрдам бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

КООПЕРАЦИЯ — ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда иккинчи бор ташкил этилган Ўзбекистон саноатчилари форумида юртимизда фаолият юритаётган уч юздан зиёд компания ва корхона ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этишмоқда. Тадбирнинг иккинчи кунини «Ўзэлтехсаноат» ва «Ўзмонтажмахсукурилли» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниялари, «Тошкент трактор заводи», «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи», «Техноло» очик акциядорлик жамиятлари тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг тақдироти бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармок ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маълумки, билим олиш — ҳар бир инсоннинг Конституциявий ҳуқуқи. Билим инсоннинг камол топишига ва жамият раванкига хизмат қиладиган муҳим омикдир.

ирки, миллати, этники, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қачондан бери яшаётганидан қатъи назар, барчага билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

лублири тубдан ўзгартирилди. Энг замонавий ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Харбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, банк-молия академияси, Тиббиёт академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети, М.Ломоносов номи Москва Давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси ҳамда Россия Давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари, Халқаро Вестминстер университети, Тошкент Ислам университети, Тошкент авиация институту, Навоий тоғ-қончилик институту каби ўнлаб ўқув муассасалари ташкил этилди.

Бу соҳадаги ислохотларни амалга оширишда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат Умумий миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини меъбел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этаётди. Урта махсус, касбхунар таълими ёки уч йиллик академик лицейлар ва касбхунар коллежлари Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъ-

турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртига киришида тенг ҳуқуқларга эга бўлиши; оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади" дейилган.

Демократик жамият қуриши мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлатнинг демократлашувиغا хос хусусиятларни қўрсатувчи шартлардан бири — инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларининг қонуларда тўлиқ белгиланиши ҳамда уларнинг таъминланиши учун шарт-шароитларнинг яратилиши билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлатни қуришдан асосий мақсади — ушбу давлатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ва эркинликларини, жумладан, билим олиш ҳуқуқини тўла таъминлашдан иборатдир.

Демократик жамиятда шахс ва муайян ижтимоий гуруҳнинг интеллектуал салоҳияти ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлади. Ҳар бир инсон қобилияти ва эҳтиёжларига яраша жамиятда ўз ўрнини эгаллайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўйб-га қиқариш миллий ва умумбаршарий кадриятларни тиклашдек юксак мақсадга йўналтирилганки, бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Феруза ИБРАТОВА,
Тошкент Давлат юридик институту "Ҳўжалик ҳуқуқи ва жараёни" кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда БОШ ОМИЛ — ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини ҳар йили қўтлуғ саналардан бири сифатида Зўр Эҳтиром ва Ифтихор билан нишонлаймиз. Зотан асосий қонунимиз янги миллий давлатчиликнинг яратилишида, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини чўқур ислоҳ қилишда муҳим ва беназир омил бўлди.

ни жадал ислоҳ қилишга киришилди. Дарҳақиқат, ривожланган давлатларнинг аксарияти юксак тараққиётга эришиши айнан таълим соҳасидаги ислохотлардан бошлаган. Мамлакатимизда ҳам, МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1997 йил 29 августда бутунлай янги таълим тизимини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Бир қатор ўқув юртиларининг мақоми, дастурлари ва таълим ус-

лиаллари, Халқаро Вестминстер университети, Тошкент Ислам университети, Тошкент авиация институту, Навоий тоғ-қончилик институту каби ўнлаб ўқув муассасалари ташкил этилди. Шунингдек, халқ таълими тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Мамлакатимизда лицейдан тортиб академиягача бўлган замонавий, янги таълим тизими юзга келтирилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили юзлаб мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилмокда.

лим тизимига киритилган том маънодаги англиқдир. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 4-моддаси 2-бандига кўра "Билим олиш ҳуқуқи: давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш; ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш; барча

2008 — Ёшлар йили «ПОДИУМ-2008» — ЁШЛАР БАЙРАМИ

МИЛЛИЙ САҢЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН РОССИЯ ДИЗАЙНЕРЛАР КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ПОДИУМ-2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ.

Ушбу танловнинг Ўзбекистонда ўтказилиши беҳиз эмас. Юртимизда мода соҳасини изчил ривожлантириш, янги истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва саънати форуми» жамгармаси бир қатор ижодий лойиҳаларни амалга ошириб келмокда. Жамгарма томонидан «Style.Uz» Дизайин ва-мода ҳафталигининг ўтказилиши, ёш иқтидорли модельер ва дизайнерларнинг Россия, Хитой, Франция, Япония каби давлатларда ўз либослар тўпламларини намойиш этишига имконият яратилаётгани бунинг далилидир.

«Подийум-2008» танловида мамлакатимиз ҳамда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларнинг олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида таълим олаётган ижодкор ёшлар иштирок этди. Тadbир доирасида таниқли дизайнерлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳорат сабоқлари, амалий семинарлар ташкил этилди.

— Кўрик-танловда қатнашчиларнинг ишини баҳолаш, маҳорат сабоқлари, амалий семинарлар ўтказиш билан биргаликда Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик, — дейди россиялик таниқли дизайнер Вячеслав Зайцев. — Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейи унутилмас таассурот қолдирди. Музей экспонатлари орасидан жой олган қадимги миллий либослар ва матоларда улкан тарих муассасам. Ўзбек миллий либослари ва матолари ҳайратланарли даражада гўзал ва бетакор.

Танловнинг «Фольк» номинациясида Тошкентдаги «Либос-мода ва дизайн мактаби» ўқувчилари Мадина Қосимбоева ҳамда Елена Мильберггер гўлиб деб топилди.

(ЎЗА)

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ ҲАМКОРЛИҚИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «TASHKENTALE — 2008» ХАЛҚАРО ФОТОБИЕННАЛЕСИ ЯКУНЛАНДИ.

«TASHKENTALE — 2008»:
САМАРАЛИ ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий саънатиинг барча турларини ривожлантириш учун етарлича шароит яратилган. Бу жиҳатлар тасвирий саънат, жумладан, фотография саънатиинг янада раванк топиши, аънава ва йўналишларининг қайта тикланиши, янгича мазмун ва маъно билан боийишда ўзининг ёрқин ифодасини топмокда. Саънат қошоналари, музейлар, кўргазма заллари, маданият ва маърифат масканларининг барпо этилаётгани ушбу соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамақўрликнинг амалдаги намуналаридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан пойтахтимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ёш авлод қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, тарихимиз, боқий аъналаримизга ҳурмат, миллий истиқлол гоъларига садоқат туйғуларини чўқур сингдириш каби ишлар муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Игирмага яқин мамлакатдан келган фотоижодкорлар иштирок этган халқаро «TashkentALE-2008» фотобиенналесини бу борада пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар билан таништиришда, ўзаро ижодий мулоқот ўрнатиш, фикр ва таъриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди.

Тadbир доирасида Тошкент Фотосуратлар уйи, Ўзбекистон Давлат саънат музейи, Ўзбекистон Тасвирий саънат галереяси, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон маданият ва саънат кўргазмаси зали, Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият қарвон са-



роий, Бухоро шаҳридаги галерея ва кўргазма залларида «Она табиатга эҳтиром», «Ёш авлод камолоти», «Муътабар қарияларимиз» каби ранг-баранг мавзуларда кўргазмалар, «Шарқ ва Фарб. Тошкент чорраҳаси» актуал видео ва фотосаънат фестивали бўлиб ўтди. Фотосуратлар иштирокида маҳорат сабоқлари, давра суҳбатлари, ижодий анжуманлар ташкил этилди. — Мен қўллаб халқаро кўргазмаларда иштирок этганман, — дейди мисрлик фотостуа Атиф Аҳмад Иброҳим. — Тошкент фотобиенналесини ўзининг юксак савияси, ташкилий-бадиий жиҳатлари, кўтаринки руҳи билан улардан ажрალიб туради. Бир ҳафта мобайнида Тошкент ва Бухоро шаҳрида ўтган қўллаб қизқарларда кўргазмаларда, учрашуларда иштирок этдик. Юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишлари билан танишдик. Муқаддас қадамжоларга эътибор, одамларинингнинг самимиети, саънати юксак қадрлаши таҳсинга сазовордир. — Тошкент фотобиенналесини самимиий суҳбатлар, ижодий мулоқотлар, кўргазмаларга бой бўлди, — дейди хитойлик Жоу Дзинг. — Кўргазмада хорижлик ҳамкасблар билан бирга бир қатор ўзбек фотостуаларининг ишлари билан ҳам танишдик. Ўзбек фотография саънати ўзига хослигини сақлаган ҳолда жаҳон фотосаънатиинг илғор тамойиллари ва аъналарига уйғун тарзда ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон ва унинг саховатли одамлари ҳақида фотокўргазма ташкил этиш ниятидаман.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ БОЛАЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Бугунги кунда дунёда имконияти чекланган одамларнинг 90 фоиздан ортиги таълимдан фойдаланиш имконига эга эмас, деди тadbирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхона раҳбари Анна Паолани. Болаларга тааллуқли ушбу муаммони ҳал этиш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига киритилган ва бунга эришиш ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда бу масалага катта аҳамият берилмокда ва унинг натижалари яқол кўзга ташланади.

Форумда давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотларнинг фаол ҳамкорлиги болаларга доир ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни рўйбга чиқариш самарадорлигининг муҳим шарти экани алоҳида таъкидланди. Бундай тadbирларнинг 2004 йилдан бунён мунтазам ўтказиб келинаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу форумлар доирасида мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш аҳоли ўрғанимокда, бу борадаги долзарб вазифалар белгиланиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилмокда.

Муҳими, бу тadbирлар инновацион хусусиятга эга. Ўтказилган тadbирларда ота-она қаровисиз қолган болаларни имкон қадар болалар уйларига топширмасдан, оилаларда тарбиялаш йўллариини такомиллаштириш, иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва ҳар томонлама ривожланишига эришиш, «Ижтимоий соҳа ходими» касбининг мавқеини ошириш каби бир қатор масалалар муҳокама этилди. Анжуманда мамлакатимизда ижтимоий муассасалар тарбияланувчиларини социал ва руҳий-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашининг инновация шакллари жорий этилгани, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ва ногиронлар бўйича идораларга маълумотлар базаси яратилгани, ҳимояга муҳтож болаларга бевосита хизмат кўрсатиш бўйича ахборот-консалтинг хизматлари ташкил этилгани, олий ўқув юртиларида ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш бўлими очилини, айниқса, ушбу йўналишдаги ишлар давом этиши ва кенгайтирилиши таъкидланди.

— Ўзбекистонда болалар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида катта таъриба тўпланган, — деди Тиссаид университетини Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш мактаби профессори Терри Мёрфи (Буюк Британия). — Бу таърибани ўрганиш лозим ва унинг қўл жиҳатлари, биринчи навбатда, давлат ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Форум давомида «Замонавий ижтимоий сиёсат ва ижтимоий фаолият амалиёти нуктаи назаридан инклюзив таълим: ривожланиш услублари ва истиқболлари», «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий таъминлаш йўллари ва механизмлари», «Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳавф гуруҳига кирадиган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш» мавзуларида секциялар бўйича йиғилишлар ҳам бўлиб ўтди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

КООПЕРАЦИЯ — ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда миллий транспорт магистралларини такомиллаштириш ва темир йўл соҳасини ривожлантириш борисида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермокда. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» поездлирида йўловчи ва юк ташиш ҳажми йил сайин ошиб бормокда. Қомангия темир йўл участкаларини электрлаштириш, янги темир йўл линиялари барпо этиш, юк вагонлари парки ва локомотивларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни жадал давом эттирмокда. Бу борада қўллаб хорижий шериклар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Қуов-механика заводи» — Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси тизимидаги етакчи корхоналардан. Корхона юк вагонлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлари тайёрлашга ихтисослашган. — Олдинги ярмарка ва кооперацион биржадан бунён корхонамиз ўн беш хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга муваффақ бўлди, — дейди завод бош директори Фарҳод Қобулов. — Жумладан, ушбу ярмаркада юк вагонлари, экскаватор ва насослар учун зарур эҳтиёт қисмлари, шайбалар, сув таъминоти қувурларини қуришга ва усқуналарини намойиш этилди. Халқаро талабларга мос ва юқори сифатли маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирилмокда. Авваллари бундай маҳсулотлар хориждан келтирилмади. Эндилкида улар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани юртимиз ишбилармонлигига ҳар томонлама қулайлик яратмокда. Ўтган санаот ярмаркаси ва кооперацион биржа доирасида умумий қиймати саккиз миллиард сўмлик бир неча шартнома имзолаган эдик. Бу кўрсаткичи янада оширишни режалаштирляимиз. Тармок корхоналари ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи субъектлар вакиллари билан музокаралар ўтказиб, ўзаро манфаатли шартномалар тузмокда.

Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳасида маҳаллийлаштириш жадал давом этаётди. «Узавтосаноат» тизимида очилган корхоналарда аккумулятор, ойна, ўтириқч, бампер, глушител, ёнигли баки, ички қоплама буюмлари, автоэмаль, жгут каби қўллаб бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани юртимиз автомобилсозлик саноти изчил ривожланаётганидан далолатдир.

— Кооперацион биржада ўтган йилги иштирокимиз гоът самарали бўлган эди, — дейди «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси маҳаллийлаштириш департаменти бошчилигининг ўринбосари Қандиёр Асадов. — Авваллари кўпгина хомашёни четдан келтирар эдик. Форумдаги иштирокимиз самараси ўлароқ бу борадаги қатор муаммолар барҳам топиб, мамлакатимиздаги корхоналар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланмокда. Масалан, «Артсанотласт» ва «Спектр» корхоналари бизга пластмасса деталлар, штампллаш қисмлари ва узеллар етказиб бермокда. Маҳаллийлаштириш дастури валютани ва вақтни тежаш имконини бераётди. Бу гаги форумда «Нексиа 2», «Ласетти» сингари автомобиллар учун зарур янги бутловчи қисмларни намойиш этмокдаман. Ўтган йили умумий қиймати икки юз миллиард сўмдан зиёд ўттизга яқин шартнома имзолаган эдик. Бу кўрсаткичи уч юз миллиардга етказишни режалаштирляимиз. Корхонамиз томонидан ушбу ярмарка ва кооперацион биржа бошланганидан бунён ўтган икки кун мобайнида ўнга яқин шартнома имзолагани шундан далолат бермокда. Мазкур форумда ҳар бир иштирокчига ўзини қизиқтирган тармок ҳақида тўла маълумот олиш, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайликлар яратилгани унинг самарали ўтишига хизмат қилмокда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



Қатагон қурбонлари... Бу сўз замирида аянчли ҳақиқат муҳассам. Бу сўзни тилга олганимизда беҳиётчи юрагимиз бир қалқийди. Негаки, улар халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида шахид кетганлар. Бу азиз инсонларни ёд этиш муқаддас бурчимиздир. Яқинда Шаҳидлар хотираси хиёбонида озодлик ва мустақиллик йўлида жон фидо этган, миллат тақдириндан ҳайғуриб, эл-улусни бирдамликка чорлаган азиз инсонлар хотирасини ёд этиш мақсадида «Инсон ҳадри азиз, ўтганлар хотираси муқаддас» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. «Шаҳидлар хотираси» хай-

Маънавият Янги экспонатлар билан танишишди

БУГУНГИ ОСУДА ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТИБ, МОЗИЙ САҢИФАЛАРИДАН, УЛУҒ АҲДОДЛАРИМИЗНИНГ ИЗТИРОБЛИ КЕЧИНМАЛАРИДАН, ТАҚДИРИНГ ЗАРБАСИЮ АЯНЧЛИ ЎТМИШЛАРИДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ДАДИЛ ИНТИЛИШИМИЗДА АЛБАТТА ТАБАРМУҚ ҚАДАМЖОЛАР КАТТА ТАРБИЯВИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

Тadbирда юзлаб ватандошларимизнинг аянчли қисмати, миллатимиз зиёлларининг бошига тушган қора кунлар, узок йиллар топталиб келган кадриятларимиз, аллома ва азиз авлиёларимизнинг номлари эҳтиром ила тилга олинди. Улар хотирасини ёд этиш инсоний бурчимиз эканлиги эътироф этилди. Учрашувда Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори Бахтиёр Ҳасанов, саънатушунослик фанлари номзоди, музейнинг экспозиция бўлими мудири Аҳмад Сирожиддин, филология фанлари доктори, профессор, музейнинг катта илмий ходими Наим Каримов мустақиллик йилларида юртимизда тарихий ҳақиқат ва адолатнинг тикланганлиги, миллий ўзлигимиз, кадриятларимиз, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, кадрланаётганлиги ҳақида ёшларга га-

пириб бердиллар. Музейнинг энг илғор ахборот технологиялари ва замонавий дизайн талаблари асосида жиҳозланганлиги, янги тарихий экспонатлар, матнли стендлар ва фотосуратлар, видео монитор, мультимедия усқуналари ёрдамиде тегишли явлаларни томоша қилиш имконияти яратилганлиги барчанин эътиборини тортиди. Шу куни музей экспонатлари билан танишган ёшлар қалбида она-Ватанга содиқлик, меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғулари яна ҳам кучайди ва бой таассуротга эга бўлдилар. **Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,**
Мирзо Улуғбек туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари СУРАТДА: учрашувдан лавҳа



ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 1016: Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Инсон энг аввало ўзининг меҳнат фаолияти билан атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмас ва табиат билан тўғри муносабат ўрнатилмас, инсоният ўзи ва табиат учун турли муаммоларни келтириб чиқаради. Булардан бири экологик муаммодир. Инсон юриётган ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доираси ичидан энг асосийси тоза сув муаммосидир. Чунки ер юзидида сувлар атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми ҳисобланади.

Сув — инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлиги, инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, обҳаво ва иқлим ўзгаришида, инсон

саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Ҳозирги кундаги бизнинг асосий вазифаларимиздан бири сувни тежаш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш, уни ифлосланишдан сақлаш, исроф бўлишининг олдини олишдан, атроф-муҳитнинг табиий ўзгаришларини ўрганишдан, назорат қилишдан иборатдир.

Шаҳримизда тоғлардан келадиган дарёлар оби-ҳаётимиз манбаи, ризқи-рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебаҳо бойлигимиздир. Сув исроф бўлаётган манзарани кўрганмизда беихтиёр сувнинг муқаддаслиги ҳақида эшитганларимиз, кузатишларимиз ёдимизга тушади. Ер қуррасида сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости

сувлари ернинг пастки қатламида жойлашган бўлса, ер устида эса очик юза сувлар мавжуддир. Ер ости сувлари анчагина чуқурликда бўлиб артезиан сувлари номи билан юритилади. Ер усти сувларида Тошкент шаҳри ҳудудидан очик ўтувчи Бўржар, Салор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман каналлари киради.

Бу каналлар пойтахт микроқлимни сақлашда катта аҳамиятга эга. Улар шаҳримизнинг деярли барча туманларидан очик ўтади. Уларнинг сув олиш манбаи — Чирчиқ дарёсидир.

Ушбу каналлар бўйларидида жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар очик сув манбаларига турлича таъсир ўткази-

дилар. Улар орасида тоза сув ҳавзаларига чиқинди оқова сув ташладиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқова сувларини тўғридан-тўғри тоза сув манбаларига чиқарадиган хонадонлар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очик сув ҳавзалари сув муҳофаза зонасини белгилаш, каналлар киргоқларида жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқова сув манбаларини йўқотиш, очик сув ҳавзаларимизда оқабган зилот сувларнинг содглигини сақлашдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, оқар сувларимиз бизнинг бойлигимиз. Уларни ифлослантмаслик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқа-

риб курашишимиз керак.

Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадимдан бошлаб табиатга оқилона муносабатда бўлишмаган. Улар нафақат қудуқ суви, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам муқаддас билишган. Улардан тежаб-тергаб фойдаланишган. Ифлосланишга мутлақо йўл қўйилмаган. Зеро, бугун биз ҳам сувни эъозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чора-тадбирларини кўрсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзаллиқларини кам-кўстисиз етказишга ҳаракат қилсак, ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Дилдора СУЛТОНОВА,
давлат нозири

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ. ШУ ВАҚТ ИЧИДА ҚўМИТА ТОМОНИДАН 195 ТА КОМПЛЕКС, 2 ТА РЕЖАДАН ТАШҚАРИ, 92 ТА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА, 39 ТА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР БўЙИЧА ТЕКШИРИШЛАР ўТҚАЗИЛДИ.

Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлик дунёсини асраш масаласи юзасидан 506 та жойларга чиқариш амалга оширилди. Ҳайвонот олами жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат биологик назорати ва карантин хизматлари вакиллари билан биргаликда 18 та рейд уюштирилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва юқори ташкилотларнинг тақдимномаларига асосан ташкил этилган 28 та комиссия ишида қўмиита ходимларининг иштироки таъминланади, 29 та шикоятлар кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилиш қўнунчилиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш юзасидан 12 та мақсадли, жумладан Йўл ҳавфсизлиги ҳаракати бошқармаси билан 6 та, «Тоза сув ўзани» тадбири чегарасида 6 та рейдлар ўтказилди. Шундай қилиб 2008 йилнинг 9 ойи давомида назорат остидаги ҳудудда жойлашган объектларнинг 921 тасига назорилар чиқишлари амалга оширилди.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судига оқова сувларини Салор каналига оқизишнинг салбий таъсир чегарасида миқдори меъёрларини мунтазам равишда бузганлиги учун «РАФ»

АЖ корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатишини сўраб даъво юборилган. Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг қарори билан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2008 йил 2 сентябрдан даъвоси қондирилган ва «РАФ» АЖ корхонаси ишлаб чиқариш фаолияти 10 кун муддатга тўхтатилган.

Тошкент шаҳар прокуратурасига жиноий ишлар кўзгатилиши тўғрисида 14 та ҳужжат юборилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси бўйича тегишли чоралар кўрилган ва баъзилари бўйича жиноий иш кўзгатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижасида 956 та киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 588 нафари мансабдор шахслар, 368 нафари фуқаролардир. Жавобгар шахсларга 25124,24 минг сўм миқдорда жарима солинган.

Хисобот даврида шаҳардаги корхоналар ва автомагистралларда автоуловлардан чиқадиган зарарли моддалар миқдори бўйича 15430 та автотранспорт воситалари текширил-

диган рубероиднинг сифати ҳам йўқолади: у бир неча ойдан кейин ёрилиб, томлардан чакка ўта бошлайди.

АГАРДА сиз хазонлар ёқилаётгани ёхуд битумнинг эритилиб очик алангалатилган гувоҳи бўлсангиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига (тел: 273-86-73, 273-86-78, 273-86-83, 273-59-04) мурожаат қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига мувофиқ, қоидабузарликлар учун фуқаролар энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахслар эса 5 баравардан 10 бараваригача жаримага тортилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси



ди, 1245 тасидан ёки 8,1 фоиз автомобилларда зарарли моддаларнинг белгиланган миқдордан ортиқлиги аниқланди. Бир сўз билан айтганда бўлсақ, 2008 йилнинг 9 ойида текширишлар унумдорлиги 100,0 фоизни ташкил этди.

А.МУСТАФИН,
қўмиита раиси ўринбосари

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

ШАҲАРДА хазонларни ёқиш соғлиқсиз учун ҳавфли! Қуриган барглarning ёниши жараёнида атроф-муҳитга нафақат углерод ва газ, балки ис ва олинфугурт вази сингари заҳарли моддалар тарқалиб, катта зарар етказиши. Хазонлар таркибидида шунингдек, автобиллардан чиқадиган газлар ва саноат корхоналари тўғрисида орқали йиғилиб борадиган кўрғошин, кадмий, мис каби оғир металллар ҳам мавжуд бўлади.

ХАЗОНЛАРНИ ёқиш пайтида чиқадиган тўғри таркибидида асосан қуриган органик бирикмаларни ўз ичига олувчи заҳарли диоксин бўлиб, у нафас органла-

рига зарарли таъсир этади. Заҳарли диоксинлар айниқса тананинг химоя тизими алоҳида сезигр ҳисобланмиш болалар ҳамда нафас йўллариининг соматик хасталиқлари, юрак-қон томир аллергик касалликлари бўлган кексалар учун ниҳоятда ҳавфлидир.

ЁДДАН ЧИҚАРМАНГ: бир тонна чирётган ўсимлик чиқиндилари атроф-муҳитга 30 килограммга яқин углерод ва газ ва бошқа канцероген моддаларини чиқаради. Агарда хазонлар тўпламига пластик идиш, полиэтилен пакетлар, линолеум парчалари қўшилиши бўлса ёниш жараёнида ундан 75 га яқин муай-

ян заҳарли, атроф-муҳитни ифлослант-рувчи моддалар ажралиб чиқади.

МАҲАЛЛА қўмиталари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ҳамшаҳарларимизнинг вазифаси хазонларни йиғиш ва уларни чиқариб ташлаш ёхуд қуриган баргларини тўқиш учун тайёрланган чуқурларга жойлаштиришдир.

ШУНИНГДЕК, махсус техник воситаларни қўлланмаган ҳолда битумни эритиш ва уни очик алангалатган ҳолда ёқиши ҳолатларига барҳам беринг. Зеро, бунда нафақат атмосферани ифлослант-рувчи моддалар ажралиб чиқади, балки эритилган битумга ўрнатила-

диган рубероиднинг сифати ҳам йўқолади: у бир неча ойдан кейин ёрилиб, томлардан чакка ўта бошлайди.

АГАРДА сиз хазонлар ёқилаётгани ёхуд битумнинг эритилиб очик алангалатилган гувоҳи бўлсангиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига (тел: 273-86-73, 273-86-78, 273-86-83, 273-59-04) мурожаат қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига мувофиқ, қоидабузарликлар учун фуқаролар энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахслар эса 5 баравардан 10 бараваригача жаримага тортилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА СУДЬЯЛАР МАСЪУЛИЯТИ

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА СУДЬЯЛАРНИНГ АЛОҲИДА ўРНИ БОР. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДА СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, СУД ТИЗИМИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК КАДРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЎЗТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БўЙИЧА ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИ БУ БОРАДА ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни амалиётга татбиқ этишда судьялар малакасини ошириш ҳамда судьяликка номзодларни қайта тайёрлашга бағишлаб ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар фуқаролар манфаатига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Судьяларнинг ихтисослашуви ишларни кўриб чиқиш сифатини оширмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирмоқда. Суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилгани ҳам айтиш мумкин бўлади.

Семинарда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш шароитида одил судловни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг судлар томонидан бажарилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ОНА ВА БОЛА МУҲОФАЗАСИГА ОИД ЛОЙИҲА

ТОШКЕНТДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОЛДИДАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БўЛИБ ўТДИ.

Мазкур лойиҳа ЮНИСЕФ болалар ташкилоти ва Европа Иттифоқи Комиссияси ташаббуси билан амалга оширилаётган.


Тадбирда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманининг очилиш маросимида лойиҳа доирасида 10 000 га яқин тиббиёт ходимлари оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишининг жаҳон стандартларига мос келадиган технологиялари бўйича ўқитилиши алоҳида таъкидланди. Бу ўз навбатида республикамизнинг барча вилоятида она ва бола муҳофазасини янада такомиллаштиришга оид келади.

Маълумки, лойиҳа бўйича расмий битим Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Европа Иттифоқи Комиссияси ва БМТ Болалар жағғармаси ўртасида 2008 йил 16 июлда имзоланган. Кейинги уч ой давомида барча ҳамкор ташкилотлар мамлакатнинг зарур эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда лойиҳа фаолиятини батафсил ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳадан қўзланган асосий мақсад мамлакат бўйлаб бола туғилиши вақтида бошланғич тиббий хизмат пунктлари, поликлиника ва туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишда тиббиёт ходимлари малакасини оширишга қаратилган.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лойиҳада қўзланган натижаларга эришиш йўлида барча шарт-шароитлар яратилиши ва саъй-ҳаракатлар олиб борилиши ҳақида маълумот берилди.

ОЛТИН КУЗ ФАСЛИДА ДАРАХЛАР БУТУН ЁЗ ДАВОМИДА ҲАР ХИЛ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ, ЧАНГЛАРНИ ЮТИБ, ўЗИДАН КИСЛОРОД МОДДАСИНИ АЖРАТАДИ. ЁЗ БўЙИ ЧИҚҚАН ЧАНГ ВА ГАЗЛАР БАРГЛАРГА ўТИРИБ, ЕРГА ХАЗОН БўЛИБ ТУШАДИ. ШУ САБАБДАН ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШГА ЙўЛ ҚўЙМАЙ, УЛАРНИ ТЕГИШЛИ БЕЛГИЛАНГАН ЧУҚУРГА ТўКИЛСА, КЕЛГУСИ ЙИЛИ УЛАРДАН МАҲАЛЛИЙ ўГИТ СИФАТИДА ФойДАЛАНИЛАДИ.



КУЗ ТАШВИШЛАРИ

Куз фасли келиши билан Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг кескин ўзгариши кузатилади. Бунга асосий сабаб метеорологик жараёнларнинг ўзгариши натижасида вақти-вақти билан кузатиладиган ноҳуш ҳолат, ҳамда шу фаслда хазон, шох-шаббалар, ахлат буюмларининг ўзбошимчалик билан ёқиш юборишларидир. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид ва бир қатор заҳарли моддаларнинг кўпайиши кузатилади. Бу ҳолат инсон нафас олиш органлари ва юрак қон-томир касалликларининг кескинлашувига олиб келади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масалага жиддий ёндашиб, ҳамма туманларда хазонларни йиғиш ўрасини, яъни ҳар бир туман ҳудудида иккита-учта компост чуқурларини тайёрлаган ҳолда корхона, ташкилотларга автоулов воситаларини жалб қилиб, хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олиш режасини ишлаб чиқди.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-

моддасини бузиб, қонунбузарликка йўл қўйилса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига асосан фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима солинади.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда шаҳримизда атмосфера ҳавосига салбий таъсир этувчи хазонларни ёқиш натижасида ажралиб чиқадиган газларни камайитириш учун туманлардаги маҳалла қўмиталари, маҳаллалар аҳли, мактаб-гача таълим муассасалари, мактаб ва олий ўқув юрлари, корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва барча шаҳар аҳолиси масалага ижобий ёндашсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Куз фаслида яна бир муаммо бўлиб, у ташкилотлар, уй-жойлар, муассасалар ва корхоналар ҳамда мактаб, мактабгача таълим муассасалари томонидан таъмирлаш вақтида қора мум (битумни) очик ҳолда ёқишдир. Қурилиш ва бошқа ишларни

бажариш чоғида ёқилган моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очик аланга олдириб, уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаганлиги учун ҳам ўЗР МЖК 88-моддаси қўлланилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шаҳримизнинг экологик ҳавфсизлиги, унда яшовчи инсонларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан атроф-муҳитни асрашга чакирлади.

Бу ишлар ўзининг долзарблиги билан экологик, иқтисодий ҳамда амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Ёшларни табиатни севиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатиш катталарнинг бурчидир. Табиат бағрида яшовчи инсонлар келажақ авлод олдидида масъулиятларини, қарздорлик ҳиссини чуқур сезади. Уларни она табиатимизга нисбатан чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшайлик.

Лазиз МУҲАМЕДЖОНОВ,
давлат нозири

ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

• «MIR LINE» шўъба корхонаси ишлаб чиқариш бўлими мудир Ш. Мирҳадиев автотранспорт воситаларидан чиқадиган ифлослант-рувчи моддалар миқдорини назорат қилмаганлиги ва автомашиналарни юқори миқдордаги зарарли моддалар билан фойдаланишга чиқарганлиги учун ўЗР МЖКнинг 87-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• «ALUTEX» қўша корхонаси бош директори А. Абидов ифлослант-рувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган меъёридан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарилганлиги ва меъёрий ҳужжатларнинг муддати ўтишига йўл қўйилганлиги учун ўЗР МЖКнинг 85-моддасига асосан 75500 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

• «ТТМЗ» бош муҳандиси С.Алимов сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлиги учун ўЗР МЖКнинг 75-моддасига асосан 25000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• 4-иссиқлик маркази корхонаси бошлиғи У.Алимов саноат чиқиндиларини жойлаштириш ва утиллатиришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун ўЗР МЖКнинг 91-моддасига асосан 62000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• Хазон ва шох-шаббаларни ёқиш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослант-рувчи учун фуқаро М.Абдушаевага нисбатан ўЗР МЖКнинг 88-моддасига асосан 63000 сўм миқдорда жарима белгиланди.

• «Шавкат фермер» хусусий корхонаси директори С.Бекбаев ер ости манбаларидан сув олиш қоидаларини ва лимитларини бузганлиги учун ўЗР МЖКнинг 74-моддасига асосан 21000,0 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• 2512-автокорхона ёниги қуйиш шохобчаси бош оператори Д.Мирзаев тупроқнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишига йўл қўйганлиги учун ўЗР МЖКнинг 65-моддасига асосан 76000,0 сўм миқдорда жаримага тортилган.

• «Қорасув-3» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Ғуломов, маҳалла ҳудудида яшилликларнинг руҳсатсиз кесилишига йўл қўйганлиги учун ўЗР МЖКнинг 162-моддасига асосан 20865,0 сўм миқдорда жаримага тортилган.

• «Файзулло плюс» хусусий корхона директори Т.Саитов корхонанинг давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасисиз фаолият юритгани учун ўЗР МЖКнинг 96-моддасига асосан 40000,0 сўм миқдорда жаримага тортилган.

Ҳурматли юртдошлар!

Сиз суд ижрочилари томонидан қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ички ҳавфсизлик инспекциясига қуйидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат этган шахс исми-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» рақамлари

Тел: (8-371) 241-80-12
Факс: (8-371) 241-16-37



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

«ИСКАНДАР ХИРАДНОМАСИ» ДАН (Шоислом Шомухамедов таржимаси) ҲИҚМАТЛАР

Икки жоҳил қачон бўлди иттифоқ, Ақл йўли топмиш уларда нифоқ. Жоҳилга йўл топар доимо оқил, Аммо унга барҳам беради жоҳил. Бандалар бўлганда жаҳлга банди, Қачон тўғри бўлур улар пайванди.

Агар ишга ҳамроҳ бўлмас экан сўз, Иш йўлини гапдан кўра олмас кўз.

Ҳар бир ёмон ишдан сақла ўзингни, Яхшилар ишдан узма кўзингни.

Дилинг ҳушёр бўлса, кўзинг мукамал, Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзингдан уял.

Сўзлашга лаб очсанг, ҳиқмат билан оч, Бемаъни вақиллаш, сафсатадан қоч.

Мушкин никобин тун тортгани маҳал, Ҳали маст уйкуга кетмасдан аввал, Бир нафасга ақлинг чирогини ёқ, Нурида кундузги ишларингга боқ...

Ким агар дўстликда билмаса вафо, Душманликдан ҳам тоймайди асло.

Кўм-кўк бу найрангбоз осмон остида, Бўлсанг ҳар кимсани синаш қастиди, Фарқ бўлма сўзларин хусн, жамолига, Нечукдир назар сол ишин ҳолига.

Кўплар бор дунёда гап-сўзи жонон, Вале феъл-атвори ёмондан ёмон. Ишидан тугилса фақат дард-алам, Тилидан не фойда сеҳрласа ҳам...

Жаҳон молин истаб жонидан кечмоқ, Гўдаклик эканин бу масалда бок; Нодон бола маҳкам ушлаб ўз нонин, Ўзга нонин сўраб, қийнайди жонин.

Жон минг хил нарсига бўлса-да муҳтож, Яхшиси нокасан истама илож. Нокасан сўраб ҳеч тўкмагил обрў, Обрўни билмагил ариқдаги сув.

Хулқи ёмонларга берма зар ё куч, Ёмонликларига берма қувват ҳеч.

Яхшилик билмаган кишига бисёр Зое кеткизмагил инъоминг зинҳор.

Пастлар чўнтагига тўкма олтин-зар, Яхшиси, денгизга обориб ағдар.

Нокас таълимига очма лабингни, Нокас қабул этмас, илм — одобингни.

Сўз айтсанг ростликни айлагил одат, Кидирма ростликдан яхшироқ зийнат.

Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон, Ҳайда кўрди экан бирор билимдон? Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижара беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г-906

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41-уй.

2008 — Ёшлар йили

МУРУВВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

ЎТИБ БОРАЁТГАН «ЁШЛАР ЙИЛИ»ДА ИЖТИМОЙ КЎМАККА МУҲТОЖ ИСТЕЪДОД ЭЪГАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИМКОНИЯТЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ БОРАСИДА КАТТА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан Япониянинг «JAYKA» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Юнусобод туман ҳокимлиги, республика «Умр» жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази, «Бободехон» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўқувчилар техник ижодиёт марказида ўтказилган тадбир доирасида айни шу масалалар ҳусусида сўз борди. Унда марказда тахсил олувчи 85 нафар жисмоний имконияти чекланган иқтидорли ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Юнусобод туман ўқувчилар техник ижодиёти маркази раҳбари Саодатхон Худойкулиева кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:

— Мухтарам Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан ёшларни замонавий илм-фан ютуқларидан воқиф этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидор эгаларини рағбатлантириш давлатимиз олиб бораётган ички ислохотларнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Бугунги тадбиримиз ана шу юксак ишларнинг натижаси ўлароқ ўтказилмоқда, десак хато қилмаган бўламиз.

Шундан сўнг Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова, Япониянинг «JAYKA» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси лойиҳа мутахассиси Танако Кумита, Юнусобод туман ўқувчилар

техник ижодиёт маркази тўғарак раҳбари Хаимида Хамидовалар сўзга чиқишиб, бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.


Биз имкониятдан фойдаланиб тадбир иштирокчиларини ҳам сўхбатга тортидик. — Жисмоний имконияти чекланган болажонларни қўллаб-қувватлашга бағишланган кечада ўз санъатим билан иштирок этаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқувчиси Севара Аҳмадхўжаева. — Негаки кемтик кўнгилларга қувонч улаштириш инсоний фазилатлардан бири деб биламан ва ўзим тайёрлаб келган «Лазги» рақсини ижро қилиб бермоқчиман.

Севара «Ёшлар йили»да берилган кенг имкониятлардан фойдаланган ёшлардан бири. «Тафаккур бўстони» нашриёти томонидан чоп этилган «Қалдиргоч» тўпламидаги шеърий машқларнинг ўзиёқ унинг қизиқувчан иқтидор эгаси эканлигини кўрсатади.

Кемтик кўнгилли иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашга бағишланган кеча якунида ўзининг алоҳида фаоллиги билан ўрناк кўрсатган ёшлар мутасадди ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди. Кувноқ куй-қўшиқлар ҳамроҳлигида ўтган тадбир йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Сарварбек НУРМУХАМЕДОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Спорт янгиликлари



АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ «ЮЗРАБОТ» СПОРТ КЛУБИДА «ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИ ОИЛАСИМИЗ» АНЪАНАВИЙ 9-СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти ходимлари ўртасида мини-футбол, стол тенниси ва кураш бўйича ўтказилган спартакиаданинг ташкилотчилари Республика металлургия ва машинасозлик соҳаси ходимлари касаб-ушмалари Кенгаши ҳамда касаб-ушма кўмиталари раислари шаҳар Кенгаши бўлишиди.

«Отам, онам ва мен — спортчи оиласими» йўналиши бўйича ўтказилган «Кувноқ эстафета»да етти та оила, мини-футболда 8 та жамоа қатнашган бўлса, стол теннисиди 9 нафардан аёллар ва эркеклар галаба учун кураш олиб бо-

ришди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Одил Тулендибоев ҳакамлик қилган кураш мусобақалари эса 18 ёшдан 25 ёшгача, 25 ёшдан 35 ёшгача ва 35 ёшдан юқори каби учта ёш тоифасида уюштирилди.

«Кувноқ эстафета»да голиблар сафини Шутовлар оиласи бошқарган бўлса, Мальцев ҳамда Кузнецовлар оилаларига кейинги совринли ўринлар насиб этди.

Мини-футболда 19-цех жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

Стол тенниси бўйича аёллар ўртасида О.Буканова галаба наҳидасини сурган бўлса, эркеклар ўртасида Г.Пак зафар қудди.

Кураш баҳсларида ҳам энг муносиблар хурмат шохсупасидан ўрин олишди.Спартакиаданинг голиб ва совриндорлари дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: спартакиада баҳсларидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 25-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЖАМОАЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Авалги турда Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан сафарда ўйнаб мағлубиятга учраган Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги «Пахтакор» командаси бу сафар ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» клуби аъзоларини қабул қилди. Тошкентликларнинг тўлиқ устунилигида ўтган баҳсда муҳлисликлар 4 та голнинг гувоҳи бўлишди. Тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этган пахтакорчилар учрашуви 3:1 ҳисобда ўз фойдаларига ҳал қилишди ва муҳим очколарни қўлга киритишди. Дарвозаларга тўпларни «Пахтакор»дан — Аҳмедов (2та), Гейнрих, «Машъал»дан — Шомуродов йўллашди.

Анджонда «ЎзДонг Жу» меҳмони бўлган «Локомотив» жамоаси бу сафар сермазмун ўйин намойиш этиб, мезбонларни 3:0 ҳисобида мағлуб эта олди. Шу кунги муҳлисликлар «Локомотив» футболчилари — Ковалканта, Науқаров голларидан баҳраманд бўлган бўлса, «ЎзДонг Жу» вакили Денис Азизовнинг автоголига ҳам гувоҳлик қилишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Шўртанг» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Металлург» — 1:2, «Насаф» — «Навбахор» — 2:1, «Бухоро» — «Анджон» — 1:2, «ОТМК» — «Қизилқум» — 2:0, «Динамо» — «Бунёдкор» — 0:4.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз XVII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари 2 ноябрда бўлиб ўтади.